

личностей, ни пространства. Все статично. Единично. Поверхностно. В масштабе замятинской Иллюзии - размах и иллюзии самой революции, поставившей ребром вопрос не только о статусе государства, но и о статусе гуманизма. Страдающая, сопротивляющаяся душа прозаика творила роман-эмблему, антиутопию машиноравного счастья, создавала взамен иную - художественную утопию универсальной несвободы, где гротеск, сарказм доведены до крайних выражений, где торжествует лишь одна форма разрешения трагизма - Ирония. «Смешной», как определил его Замятин, роман - это смех над самым неодолимым противником, жизнью. «Это смех человека, умеющего смеяться от нестерпимой боли и сквозь нестерпимую боль» (слова Замятина о писателях-неореалистах).

Увлеченный полемикой с современниками и прежде всего с пролеткультовскими утопиями, поглощенный строительством универсальных художественных концепций, созданием в противовес идеи «монофонической вселенной» своей, планетарной, вселенской идеи полифонической свободы, Замятин сам, вслед за его героем, построил отвлеченную, как раз в духе пролеткультовцев, утопии которых нещадно отвергал, модель благополучного сообщества.

ЛИТЕРАТУРА

1. Утопия и утопическое мышление: Антология зарубежной литературы/ Сост., общ. ред. и предисл. Чаликовой В.А. – М.: Прогресс, 1991. – 405 с.
2. **Гастев А.** Контуры пролетарской культуры //Пролетарская культура. – 1919. - №9-10. Энциклопедия мировой литературы. – М.: Вагриус, 2001. – С. 303-304.
3. **Скорospelова Е.Б.** Замятин и его роман «Мы». – М.: Изд-во МГУ, 1999. – 78 с.
4. **Полякова Л.В.** Евгений Замятин в контексте оценок истории русской литературы XX века как литературной эпохи: Курс лекций. – Тамбов, 2000.

УДК: 39(=512.133):811.111'25

ОВИДИЙНИНГ “МЕТАМОРФОЗА” АСАРИДА ЭВРИЛИШ МОТИВИНИНГ ИФОДАСИ

МОТИВ ПРЕВРАЩЕНИЯ В ПРОИЗВЕДЕНИИ ОВИДИЯ “МЕТАМОРФОЗЫ”

THE EXPRESSION OF MOTIVE OF TRANSFORMATION IN OVID'S "METAMORPHOSES"

Кадилова Наргиза Арифовна

БухДУ факультетлараро чет тиллар кафедраси ўқитувчиси

Таянч сўзлар: метомарфоза, эврилиш, мотив, бадий ифода, жаҳон адабиёти, Овидий, асар.

Ключевые слова: метаморфоза, превращение, мотив, художественное изображение, мировая литература, Овидий, произведение.

Key words: metamorphose, transformation, motive, artistic expression, world literature, Ovid, work.

Мақолада Овидийнинг “Метаморфоза” асарида эврилиш мотивининг ўрни ва бадий ифодаланишига хос хусусиятлар ҳақида фикр юритилган.

В статье определены место и особенности художественного отражения мотивов превращений в произведении Овидия «Метаморфозы».

The article defines the role and peculiarities of artistic expression of transformations' motives in Ovid's "Metamorphoses".

Кириш. Эврилиш, яъни бир кўринишдан бошқа кўринишга ўтиш билан боғлиқ тасаввур-тушунчаларни бадий ифода этувчи мотив фольклор ва ёзма адабиёт намуналарида алоҳида ўринга эга. У ўзига хос поэтик ифода шакллари билан айрича эътиборни тортади. Бу мотив оғзаки ва ёзма асарларда қадимдан ҳозиргача қўлланиб келаётгани ва ҳар бир даврда муайян бадий-эстетик вазифаларда талқин этилгани кузатилади. Бинобарин, Ҳ. Шайхов, М. Муродов “Ҳаётбахш ҳаёллар” асарида таъкидлаганларидек: “Эврилиш” мотиви дастлаб қадимги мифларда қўлланилган ва ҳозиргача ёзма адабиётда ҳам кенг қўлланиб келинаётир” [4, 10].

Асосий қисм. “Метаморфоза” сўзи ўзгариш, эврилиш, турланиш каби маъноларни англатади. “Метаморфоза” илмий тил билан айтганда, бир шаклдан иккинчисига ўтиш давомида янги шакл ҳамда функцияга эга бўлиш демакдир [9].

“Табиат ўлимни билмайди, у биладиган нарсалар эса ўзгаришдир”, деб айтган немис олими Вернер Фон Браун [10]. Негаки, қадимги инсонлар ўлимни бир кўринишдан бошқа кўринишга эврилиш, ўлим инсоннинг бир оламдан бошқа оламга ўтиши учун восита, марҳумлар олами эса бу дунёнинг тескари кўриниши, у ерга инсон ўз кўринишида эмас, ўзга кўринишга эврилиб кириб боради деб тушунган [2]. Шу каби мифологик қарашлар асосида қадимий афсоналарнинг аксариятида қаҳрамонларнинг шамолга, денгизга, тоғга, бирор ҳайвон ёки ўсимликка, ҳатто осмон жисмларига (масалан, ойга, юлдузга) эврилганлиги талқин этилган. Бундай халқона тушунча ва қарашлар ҳамда улар асосида яратилган афсоналардан қадимги шоир ва ёзувчилар ўз асарларининг халқчил руҳини, бадиий таъсирчанлигини ошириш мақсадида фойдаланиб келишган. Жумладан, рим адабиётининг кўзга кўринган вакили Публий Овидий Назоннинг «Метаморфозалар» (турланиш) асари бунга мисол бўла олади.

Овидий эврилиш ҳақида ўзи билган барча қадимги грек ва рим афсоналарини тўплаб, сўнгра уларни бир-бири билан бирлаштириб, ягона тизимдаги “Метаморфоза” (“Эврилиш”) номли поэмасини яратди. Бундай афсоналар 200дан ортиқ бўлиб, 15 та китобдан ташкил топди. Улар эврилишнинг кўп сонли туридан воқиф этади.

Овидийнинг гекзаметр вазнида яратилган 12000 мисрадан иборат 15 бобли бу достонида эврилиш мотивига асосланган афсоналар кетма-кетликда берилган. Унда маъбуд ва маъбудаларнинг, сув ва ўрмон париларининг, одамларнинг жониворларга, ўсимликларга, тоғ ва тошларга, ҳатто юлдузларга айланиб қолишлари ҳақидаги афсоналардан 250 таси киритилган.

Асар дунёнинг яратилиши ҳақидаги ҳикоя билан бошланади. Унда оламнинг Осмон ва Ерга бўлиниши дунёдаги энг биринчи эврилиш намунаси сифатида кўрсатилади.

Овидий туғилишидан бир йил олдин Рим қироли Юлий Цезар ўлдирилган эди. Шу кун осмонда катта юлдуз пайдо бўлиб, одамлар бу юлдуз ҳақида Юлий Цезарнинг руҳи осмонга учиб кетгани ва у юлдузга айланганлиги тўғрисида афсона яратгандилар.

“Метаморфоза” (“Эврилиш”) асари қадимги ўтмишдан Овидий замонаси воқеаларигача тасвирлаб берди. Воқеалар қанчалик қадимий бўлса, эврилишнинг баён этилиши ҳам само каби шунчалик улкан қолипда тасвирланади. У дунёни сув босиши-ю аланга олишигача бўлган воқеалар билан ҳам боғланади.

Ер юзидаги тўфон, сув босишлар дастлабки инсонларнинг қилган гуноҳларига берилган жазо деб талқин қилинди. Қуруқликлар денгизларга айланар, балиқлар дарахт шохлари орасида сузиб юришарди, инсонлар нозик қафасларда очликдан ҳалок бўлишарди. Фақатгина икки солиҳ одамларгина Парнас тоғларида омон қолишди. Улар Девкалион ва унинг хотини Пирра эди. Бу эр-хотинлар кўз ёшларини тўкиб, худога илтижо қилишди ва шундай жавоб олишди: “Она, суякларни орқангиздан ташлаб юборинг!” Улар қийинчилик билан бу гапнинг маъносини англаб олишди. Она – Ер, суяклар бу тошлар эканлигини тушуниб, улар орқаларидан тошларни қулатишни бошлашди. Девкалион орқасидан эркалар, Пиррадан эса аёллар пайдо бўлишди. Шу тариқа янги инсоният авлоди вужудга келди.

Кейинги афсона ерда ёнғин бўлиши ҳақидадир. Дунёни ўт олиши Худолар иродаси билан эмас, балки ақлсиз ўсмирнинг жасорати туфайли пайдо бўлди. Кунларнинг бирида Қуёшнинг ўғли ҳисобланган Фаетон отасига шундай мурожаат қилди: “Ота, улар, яъни одамлар мен сенинг ўғлинг эканлигимга ишонишмаяпти. Шарқдан Ғарбга томон олтин ғилдиракларингда осмонда учимизга ижозат бер”. Ота рози бўлиб: “Фақат эҳтиёт бўл! На ўннга ва на чапга, на юқори ва пастга, фақат ўртада ҳаракат қилишни эсдан чиқарма, акс ҳолда фалокат юз беради”, – деб тайинлайди. Ота огоҳлантирган воқеа рўй беради. Осмонда ўсмирнинг боши айланиб, қўллари қалтираб, отларни жиловлай олмай қолади. Шунда отлар бир-бирларининг йўлларини тўсиб, осмонда чақмоқ юз беради. Ерда эса тоғлар ағдарилади. Рейндан Гангагача бўлган дарёлар қайнаб кетади, денгизлар қурийди. Шунда Ер Зевсга илтижо қилиб: “Ёндирмоқчи бўлсанг – ёндир, фақат раҳм қил, бундан кейин ер юзида ҳаёт бўлмайди”, – дейди. Шунда Зевс чақмоқ билан уради, арава ерга

кулайди. Ёнган Фаетон парчалари ерга сочилади ва у ҳақда шоирлар шеърлар тўқийди: “Бу ерда Фаетон ўлдирилди: буюклик учун жасурлик кўрсатиб, йиқилди”.

Асарнинг кейинги қисмида бошқа маъбудлар билан юз берган эврилишлар ҳақида сўз боради. Масалан, тўқимачи Арахна маъбуда Афина (мато ихтирочиси)ни мусобақага чақиради. Афина матоларида Олимпиа худолари аксини чизади, жумладан, Посейдоннинг одамлар учун отлар яратиши, Афинанинг ўзи зайтун дарахтини пайдо этгани, мато четлари эса Худоларга ўзини тенглаштирганларни жазолашганликлари – уларнинг гуноҳкорлар сифатида тоғларга, қушларга, ибодатхона зинапояларига эврилишганини акс эттиради.

Арахнанинг матосида Зевснинг бир гўзал қизни ўғирлаши учун буқага айланганлиги, яна бошқа иккинчи қизни ўғирлаш учун олтин ёмғирга, учинчиси учун қушга, кейингиси учун илонга айлангани ҳамда Посейдоннинг кўй, от ва дельфинга, Дионис эса узумчига айланиши, Апполоннинг чўпон қиёфасига кириши тасвирланган эди.

Арахнанинг матоси Афинаникидан ёмон эмасди. Афина Арахнанинг иши учун эмас, балки куфрлиги учун жазолайди, яъни уни умрбод бурчақда тўр тўқийдиган ўргимчакка айлантириб қўяди. “Ўргимчак” сўзи грек тилида “арахна” деб аталади.

Зевснинг ўғли Дионис вино тайёрловчи бўлиб, дунё бўйлаб сайр қилар, одамларга вино тақдим этарди, аммо у ўзига душманлик қилиб, хафа қилганларни қаттиқ жазоларди. Бир куни уни саёҳати даврида денгизда юк ташиётган кемачилар ўғирлаб, қул қилиб сотишга қарор қилишади. Шу пайт кема тўхтаб қолади ва денгиз тубига ботади. Бутун кемани ўргимчак қамраб олиб, елканлар гумбурлатиб силкитилади. Денгизчилар дельфинларга айланиб қолишади.

Дионис жуда сахий бўлиб, дўстларини хоҳлаган нарсалари билан таъминлаб турар, аммо улар ҳар доим ҳам ақлли нарсаларни сўрашмас эди. Бир куни очкўз шоҳ Мидас ундан: “Мен қўл теккизган ҳар бир нарса олтинга айлансин!”, – деб сўрабди. Шунда унинг бу тилаги бажарилибди, аммо тилла нону гўштлар унинг тишларини синдирибди, олтин сув эса томоғига эритилган металл бўлиб қуйилибди. Ана шунда Мидас Дионисга мўъжизавий қобилиятга эга бўлиб қолган қўлларини чўзиб: “Бу ёвуз иқтидордан мени халос эт”, – деб ялинибди. Шу пайт Дионис табассум билан: “Дарёда қўлингни юв!”, – дея жавоб қайтарибди. Ниҳоят, Мидаснинг кучи дарёга ўтиб, шоҳ шундан сўнг меъёрдагидай еб-ичиб, ҳаёт ўтказибди. Шу-шу Пактол дарёси ҳанузгача олтин қум ажратиб чиқарадиган бўлибди.

Фақатгина Дионис эмас, балки бошқа маъбудлар ҳам одамлар орасида пайдо бўлиб туришар экан. Жумладан, Зевс ва Гермес бегона қиёфада қишлоқларни кўп айланиб чиқишар, аммо қўпол уй эгалари уларни остонадан ҳайдаб юборишар экан. Фақатгина бир кулбада яшовчи Филемон ва Бавкида исмли камбағал чол-кампирилар уларни хушнудлик билан қабул қилишибди. Меҳмонлар кулбага кириб, оёқлари аранг турган стол атрофига ўтиришибди. Мезбонлар эса стол устидаги дастурхонни райҳон гуллари билан артиб, унинг устига лой-сопол косада тухум, творог, сабзавотлар ҳамда қуритилган мевалар келтириб қўйишибди. Уй соҳиблари меҳмонларни сув қўшилган вино билан сийлашибди. Шу пайт мўъжиза рўй бериб, меҳмонлар шаробдан қанчалик кўп ичишмасин, косадаги шароб камайибди. Буни кўрган уй эгалари қаршисида турганлар оддий инсонлар эмаслигини пайқашибди. Қўрқувдан ибодат қилиб: “Худолар, сизларни фақирона кутиб олганлигимиз учун авф этинглар”, – деб изн сўрашибди. Бунга жавобан кулба ўзгара бошлабди, гилли пол мрамарга айланибди, шифтлар узра устунлар пайдо бўлибди, деворлар олтиндан порлаб, қудратли Зевс шундай дебди: “Хоҳлаган нарсангизни сўранг!” Буни эшитган уй эгалари: “Ушбу уйда қандай яшаган бўлсак, шундай яшашни давом эттириб, бирга яна ўлишни хоҳлаймиз, – дейишибди. Шундай бўлибди ҳам. Вақти-соати келганда, Филемон ва Бавкида бир-бирининг кўз ўнгида эман ва жўка дарахтларига айланишибди.

Персей кўз қараши билан Грогонни тошга айлантириб, ўлдириб қўяди. Қизнинг узилган бошини барглар устида қўйганда, барглар корал тошига айланиб қолади. Ясон эса қари отасини ёш навқирон йигитга айлантириб қўяди. Геракл гоҳ илонга, гоҳ буқага айланадиган дарёлар худоси Ахелой билан хотини учун жангга кириб, уни мағлубиятга учратади.

Крит лабиринтини ясаган афиналик моҳир уста Дедал қаҳрли қирол Миноснинг асири эди. Минос эса Зевснинг ўғли ҳамда Минотаврнинг отаси бўлган. Дедал ўғли Икар билан ундан қочиш кутилиш мақсадида мум ҳамда қуш патларидан қанотлар ясаб, учишга ҳаракат қилишади. Аммо уларнинг бу ихтиролари иш бермай қолади. Қуёш нуридан мумлар эриб, ота-бола денгизга тушиб кетишади. Шундан буён бу денгиз Икар денгизи деб аталади.

Дедал Критда қанчалик моҳир уста саналган бўлса, Пигмалион ҳам Кипрда шундай машҳур бўлган. Уларнинг ҳар иккаласи ҳайкалтарошлар эди. Дедалнинг ҳайкаллари юра олишган бўлса, Пигмалион ҳайкали жонланиб, унинг хотинига айлангани ҳақида афсоналар яратилган. Бу Галатея исмли тош қиз эди. У шунчалик гўзал эканки, ҳатто Пигмалоин уни севиб қолади. У тош баданни меҳр билан силар, кийинтирар, безатар, азобланиб худоларга илтижо қилиб: «Менга шу ҳайкалга ўхшаш хотин ато этинглар», – дер экан.

Муҳаббат маъбудаси Афродита қизни жонлантиради. Шунда Пигмалоин ҳайкалга текканида, мулойимлик ва илиқликни ҳис қилади, қизни ўпади. Қиз кўзини очганда, ёруғликни ва ошиқ юзини кўради. Пигмалион бахтли ҳаёт кечиради, аммо унинг авлодлари бахтсиз бўлади. Уларнинг Кинир исмли ўғиллари бўлади. Кинирнинг эса Мирра исмли қизи дунёга келади. Мирра улғайгач, сўзсиз отасини севиб қолади. Худолар қўрқув билан уни дарахтга айлантиришади. Дарахт ковакларидан Мирранинг кўз ёшлари бўлмиш хушбўй қатрон қуйилиб чиқади. Туғиш вақти етганда эса дарахт бўлиниб, Адонис исмли чақалоқ пайдо бўлади. Адонис чиройли бўлиб улғаядики, ҳатто Афродитанинг ўзи уни маъшуқа сифатида тан олади. Аммо бу яхшиликка олиб келмайди. Жанглар худоси Арес ёввойи чўчқани юбориб, Адонисни чўчқа ейди ва унинг қонидан умри қисқа анемон гули ўсиб чиқади.

Яна Пигмалионнинг жинси аниқ бўлмаган, яъни ўғилми, қизми экани номаълум невараси бор эди. Унинг исми ё Кенида, ё Кеней эди. Аникроғи, у аслида қиз бола бўлиб туғилган эди. Уни денгизлар қироли Посейдон севиб қолган ҳам эди. Шунда Посейдон ундан хоҳлаган нарсасини сўрашини айтади. Қиз эса ундан ўзини бошқа ҳеч ким сева олмаслиги учун эркакка айлантириб қўйишини сўрайди. Бу гапларни у аёл овози билан бошлаб, эркак товушида тугатади. Кениданинг бу истагидан қувонган худо унга ҳеч яраланмайдиган эркак танасини ато этади. Шу пайтда Лапис қабиласининг шоҳи, Тесейнинг дўсти, тўй тантанасини нишонлаётган эди. Тўйга кентаврлар қабиласидан меҳмонлар, қўшни тоғлардан ярим одам-ярим отлар, ёввойилар ташриф буюришган эди. Шунгача вино ичмаган, вино ичишга ҳуши бўлмаган қабилла, маст бўлиб аёлларга ташланишади. Лапис қабиласи эркаклари эса аёлларини ҳимоя қилишга киришишади. Шунда грек ҳайкалтарошлари ёқтирган машҳур кентаврлар билан лапис уруши бошланади. Дастлаб тўй саройида, кейин очик ҳавода кескин жанг кетади. Рақиб томонлар аввал бир-бирларига деворларда осилган лаганларни, сўнг қарағай дарахтлари ҳамда қояларни отишиб жанг қилишади. Шу пайт Кеней ўзини намоён қилади – уни ҳеч нарса тўхтата олмайди. Тошлар томдан тушаётгандай ағдарилиб кетади. Қилич ва найзалар мрамарга урилгандай қарсиллаб синиб кетади. Кейин кентаврлар унга дарахтларни отишни бошлашади, токи барчанинг танаси юклар билан қоплансин учун. Унинг вужудини бутун бир тоғ қояси қамраб олади ва у ер қимирлаши қаби бир силкиниб олиб, тинчланади. Жанг тугагандан сўнг устунлару дарахтларни олиб тозалашганда, ерда бир уюм юклар остида ўлик қиз Кенида ётар эди.

Асар охирлашганда, Троя яқинидаги юнон лагеридаги қари Нестор бизга лапис ҳамда кентаврлар жанги ҳақида сўзлаб беради. Ҳатто Троян уруши ҳам эврилишсиз бўлиб ўтмаган. Ахилл йиқилиб қолади, унинг вужудини жангдан 2 киши олиб чиқади: бири кучли Аякс уни елкасига олиб чиқса, иккинчиси чаққон Одиссей бу ишда унга кўмаклашади. Ахилнинг қурол-яроғлари кимга қолишлиги борасида Одиссей билан Аякс баҳс-мунозара олиб боришади. Улардан бири жангга биринчи кириб урушганлигини пеш қилса, иккинчиси эса куч билан эмас, ақл билан енгиш зарурлигини уқтиради. Шунда юнонлар Ахилнинг қурол-аслаҳаларини Одиссейга беришга қарор қилишади, ғазабланган Аякс эса ўзини қиличга отади. Унинг қонидан гулзат гули униб чиқади.

Италян адабиёти ҳам эврилиш мавзуси соҳасида Юнонистондан қолишмайди. Ромулус Римни барпо этади ва ўзи худога айланиб, самога учиб кетади. Етти аср ўтгандан кейин эса Юлий Цезар Римни фуқаролар жангидан қутқариб, самога юлдуз бўлиб учиб, худога айланганлиги айтилади.

Грек олими Пифагор эврилиш тўғрисида кўп фикрларни айтиб ўтган. Унинг таъкидлашича: «Рухдан ўзга нарса абадий эмас. У яшайди, ўзгармайди, фақат янгиликдан завқланиб, ўтмишни унутиб, ташқи қаватини ўзгартириши мумкин. Барча тана, ҳар қандай жонзот, ҳар қандай модда ўзгарувчан. Барча нарса оқиб боради, дақиқалар, соатлар, кунлар, фасллар, инсон умри ҳам ўзгариб боради. Ер сувга, сув ҳавога, ҳаво оловга айланади ва яна олов булутли момақалдиروққа ўхшаб, булутлардан ёмғир ёғади ва бу ёмғир сувларидан ер яна жонланади» ва ҳ.к.

Хулоса қилиб айтганда, «Метаморфозалар» асари Овидий ижодида алоҳида ўрин тутайди. Ҳатто бу асар шоир ижодининг юсак чўққиси ҳисобланади. Албатта, бундай бўлишида унинг таркибидан ўрин олган эврилиш мотивидаги афсоналарнинг ўрни ва аҳамияти бор.

АДАБИЁТЛАР

1. Овидий П.Н. Метаморфозы – М.: Белый город, 2008.
2. Публий Овидий Назон. Метаморфозы/ Пер. С.В.Шервинского. – М.: Художественная литература, 1983.
3. Лосев А.Ф. Овидий //Античная литература: Учебник для студентов пед.институтов. – М.: Просвещение, 1986.
4. Муродов М., Шайхов Ҳ. Ҳаётбахш ҳаёллар. – Т.: Ёш гвардия, 1985.
5. Қувватова Д. Ўзбек фантастикасида эврилиш мотиви // Илм сарчашмалари, 2004. – 3 сон.
6. Юсупов Ж. Эврилиш мотивига доир баъзи мулоҳазалар // Шарқ юлдузи, 2002. 1-сон.
7. Гўзалов Ф. Сеҳрли эртақларда эврилиш ва унинг архаик шакллари. – Ўзбек тили ва адабиёти, 1989. – 4-сон.
8. Пропп В.Я. Исторические корни волшебной сказки. – Л.: Ленинградский университет, 1986.
9. <https://dic.academic.ru/dic.nsf/ushakov/859170>
10. <https://kartaslov.ru/значение-слова/метаморфоза>

УДК: 415.61/494.351

“ОЛТИН ЗАНГЛАМАС” РОМАНИДА БАДИИЙ-ТАСВИРИЙ МАҲОРАТ ХУДОЖЕСТВЕННО-ИЗОБРАЗИТЕЛЬНОЕ МАСТЕРСТВО В РОМАНЕ “ЗОЛОТО НЕ ПОМЕРКНЕТ”

ARTISTIC-PORTROYAL SKILL IN THE NOVEL “GOLD UNRUST”

Болтаева Барно Исоқуловна

ЖДПИ бошланғич таълим назарияси ва амалиёти кафедраси ўқитувчиси

Исмоилова Муҳайё Абдуқодир қизи

ЖДПИ талабаси

Таянч сўзлар: образ, фразема, тасвирий восита, ташбеҳ, халқ мақоллари жонли чизгилар.

Ключевые слова: образ, фразема, сравнение, изобразительное средство, народные поговорки, живое рисование.

Key words: image, phrase, descriptive means, simile, national sayings, live drafts.

Ушбу мақолада “Олтин зангламас” асари мисолида Шухратнинг бадиий тасвир маҳорати хусусида сўз юритилади.

В данной статье рассмотрены особенности создания художественных образов на примере романа Шухрата “Золото не померкнет”.

This article describes the features of creating artistic images on the example of Shukhrat's novel “Gold unrust”.